

«Тасдиқлайман»

Республика болалар ортопедия маркази  
директори

А.Б.Тиялков

«28» сентябрь 2022\_ йил

**Марказида даволанаётган бемор болаларга иссик овкат тайёрлаб  
бериш хизмати бўйича учун техник топшириқ**

Тошкент – 2022

## МУНДАРИЖА

Боб/бўлим	Номланиши	Саҳифа
1 БОБ	УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР	3
1.1 бўлим	Номланиши	3
1.2 бўлим	Хизматни харид қилиш учун асос ва хизмат мақсади	3
1.3 бўлим	Хизмат бўйича бажариладиган ишлар тартиби ва нархлари	3
1.4 бўлим	Институт биноларини газлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш учун асословчи хужжатлар	3
2 БОБ	ТЕХНИК ТАЛАБЛАР	3-4
2.1 бўлим	Кўрсатиладиган хизмат сифатига қўйиладиган талаблар	3-4
3 БОБ	ЎЗARO ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ВА ХУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР	4
3.1 бўлим	Ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби	4
3.2 бўлим	Буюртмачига бажарилган ишлар бўйича техник ва бошқа хужжатларни топшириш бўйича талаблар	4
4 БОБ	Бажарилган ишлар учун Ижрочи томонидан бериладиган кафолатлар ҳажми ва муддатлари бўйича талаблар	4-5
5 БОБ	Хавфсизлик бўйича талаблар	5

## 1 БОБ. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 1.1 бўлим. Номланиши

*Республика Болалар Ортопедия Марказида даволанаётган бемор болаларни сифатли ва арзон иссиқ овқат тайёрлаб бериш хизматини ташкил этиш*

1.2 бўлим. *Республика Болалар Ортопедия Марказида даволанаётган бемор болаларни сифатли ва арзон иссиқ овқат тайёрлаб бериш хизматини ташкил этиш кўрсатиш учун асослар ва мақсад:*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 22 июндаги ПҚ-3800-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида аутсорсинг тизимини кенг жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги №16- сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббий муассасаларида аутсорсинг хизматларини кўрсатиш тўғрисида» Қарор.*

*Соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш мақсадида, тиббий ва нотиббий хизмат турларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, шу жумладан аутсорсерга ўтказиш орқали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташиқлотларда хусусий сектор вакиллари сонини ошириш.*

1.3 бўлим. *Хизмат бўйича бажариладиган ишлар тартиби ва нархлари:*

*Аутсорсинг бўйича овқатланишни ташкил этиш хизмати нархи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган бир беморга бир кунлик овқатланишнинг нормасидан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг энг юқори нархлардан оймайдиган нархларига аутсорсернинг харажатларини қоплаш мақсадида 20 фоизгача устама ҳақни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.*

1.4 бўлим. *Марказида даволанаётган бемор болаларни сифатли ва арзон иссиқ овқат тайёрлаб бериш хизматини ташкил этиш кўрсатиш учун асословчи хужжатлар:*

*- Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги №16- сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббий муассасаларида аутсорсинг хизматларини кўрсатиш тўғрисида» Қарор;*

*- Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1993 йил 19 мартдаги №122 сонли «Даволаш профилактика муассасаларида парhez овқатланишни ташкил этиш» тўғрисидаги буйруғи;*

## 2 БОБ. ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

2.1 бўлим. *Кўрсатиладиган хизмат сифатига қўйиладиган талаблар.*

*- озиқ овқат маҳсулотлари санитар гигиена талаблари жавоб бериши керак;*

*- тайёр иссиқ овқатга ишлатиладиган маҳсулотлар тўплами тасдиқланган меъёрдан кам бўлмаслиги керак;*

-Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

- Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

- Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

-Мазкур шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

### 3 БОБ. ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ВА ХУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

#### 3.1. бўлим. Ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2021 йил 16 мартдаги № 139 сонли Қарорига асосан кўрсатилган хизмат бўйича тўловлар қуйидагича амалга оширилади:

-кўрсатилган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи миқдоридан олдиндан келиб чиқиб ҳар ойнинг 10- кунда , 70 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан якуний ҳисоб-китоб кейинги ойнинг 5-санасига қадар амалга оширилади.

#### 3.2. Буюртмачига бажарилган ишлар бўйича техник ва бошқа хужжатларни топшириш бўйича талаблар

. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади

-Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргалликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

### 4 БОБ. БАЖАРИЛГАН ИШЛАР УЧУН ИЖРОЧИ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИГАН КАФОЛАТЛАР ХАЖМИ ВА МУДДАТЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак

Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада


бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар

Буюртмачига ҳар чоракда бир мартаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиши.

## 5 БОБ. ХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

Иқтисодчи:



Лутфуллаева С.А

(имзо, фамилия, инициаллар)

Марказ пархез врач



Эргашева С.Т

(имзо, фамилия, инициаллар)

Ишлаб чиқди:



Джалилова Н.Т